

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

“ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА”

ФАКУЛЬТЕТИ

КУРС ИШИ

Мавзу: Товар ва пул муносабатлари

Бажарди: Х.Тураев

Қабул қилди: Э.Содиқова

ТОШКЕНТ 2012

ТОВАР ВА ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Товар ишлаб чиқариш. Товар ва унинг хоссалари.

Бу мавзуни ўрганишни аввало товар-пул муносабатлари нималигини билиб олишдан бошлаш лозим. Товар-пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг моҳиятини ташкил этувчи муносабатлар: товар ишлаб чиқариш, товарларни айирбошлаш ва пул муомаласига хос муносабатларнинг яхлитлигидир.

«Бозор» - бу товар-пул муносабатлари амалга ошадиган айирбошлаш жойи эканлиги сабали, у товар ишлаб чиқариш ва муамаласи ривож топгандагина амал қилади. Бу бир-бирига боғлиқ жараён ҳисобланади.

Бозор, бозор механизмлари орқали иқтисодий субъектларнинг иқтисодий муносабатларини тартибга солади. Бозор иқтисодиётни ривожланишини йўналишларини таъминлаш билан бирга унинг элементларини ўзаро боғлиқлигини таъминлайди.

Хўш, товар ишлаб чиқариш қачон вужудга келган? Кишилиқ жамиятининг ривожланишида товар ишлаб чиқаришдан олдин натурал ишлаб чиқариш мавжуд бўлган. Иқтисодий тизимнинг шакллари ва моделлари мавжуд бўлишига қарамасдан, узоқ, тарихий давр мобайнида хўжалиқ юритишнинг умумий шакли – натурал ва товар хўжалиги сақланиб қолмоқда.

Натурал ишлаб чиқариш тарихан ривожланаётган жамоа тузумида мавжуд бўлган, аммо у ҳозирда ҳам примитив турдаги анъанавий иқтисодий тизимларда мавжуд бўлиши мумкин. Натурал хўжалиқда маҳсулотлар бозорда сотиш учун эмас, балки хўжалиқнинг ўзида, унинг ҳодимлари ва яратувчилари истеъмол учун ишлаб чиқарилган. Натурал ишлаб чиқаришда иқтисодиётни ташкил этишнинг асосий муаммолари жуда сода йўсинда ҳал этилган. Нима яратиш, қандай яратиш ва маҳсулот кимга мўлжалланганлигини хўжалиқ ҳодимлари фақат хўжалиқ ичидаги истеъмолни ҳисобга олган ҳолда аниқлаганлар.

Натурал ишлаб чиқариш алоҳидалашган хўжалиқлардан иборат бўлган. Бу эса, натурал ишлаб чиқаришга чегараланганлик хос эканлигини кўрсатади ва иқтисодий жараёнларни бир доирада ишлаб чиқариш ва истеъмол доирасида олиб борилган ташқи алоқалар бўлмаган. Натурал хўжалиқда, хом ашёларни топишдан тортиб, маҳсулотни тайёр ҳолга келтиришгачан бўлган ишларни алоҳида хўжалиқларнинг ўзи бажарган.

Ишлаб чиқариш қўл меҳнатига асосланган. Бу эса натурал хўжаликка бир қанча асрлар давомида универсал қўл меҳнати хос бўлганлигини кўрсатади.

Натурал ишлаб чиқаришда истеъмол ҳажми билан ишлаб чиқариш ҳажми бирмунча мувофиқ келган: бу эса ўз навбатида бир-бири билан боғлаш муаммосини осонлаштирган. Чунки, натурал хўжаликка ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида иқтисодий алоқалар хос бўлган, улар «ишлаб чиқариш, тақсимот, истеъмол» кетма-кетлиги бўйича рўй берган.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиб бориши натижасида натурал ишлаб чиқаришга нисбатан ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсишига мукамалроқ ишлаб чиқариш воситаларини қўллашга шароит яратадиган товар хўжалиги вужудга келган, унинг куртаклари ривожланаётган жамоа тизимининг емирилиши даврида вужудга келган.

Товар ишлаб чиқариш қуйидагилардан иборат:

-ижтимоий меҳнат тақсимодининг мавжудлиги субъектлар ўртасида товар алмашинувини бўлишини талаб этади;

-субъектларни иқтисодий мустақил бўлиши иқтисодий муносабатларни эркин олиб боришни таъминлайди. Унинг иқтисодий асоси бўлиб, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик шакллари ҳисобланади;

-жамият аъзолари ўзларининг истеъмол талабларини моддий бойликларни ишлаб чиқариш орқали таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан унинг ишлаб чиқариш жараёнида ҳам туб ўзгаришларни амалга ошириш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов: «Ўзбекистон иқтисодиётининг бир тмонлама – хом ашёвий йўналишига қатъий барҳам бериш..., республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига..., айниқса болалар ва катта ёшдагиларга мўлжалланган товарларга бўлган биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлаш..., кишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқурроқ қайта ишлаш, рақобатга бардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган технологик циклнинг тугалланганлиги даражасини ошириш..., экспортни кенгайтиришга қаратилган стратегияни фаол қўлланиш билан бир қаторда импортнинг салмоғини қисқартиришга қаратилган сиёсатни изчиллик билан ўтказиш..., иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимида қўшилиб бориш зарур», - деган эди.¹

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 53-54. 147. 187 бетлар.

Шундай қилиб товар ишлаб чиқариш деганда, маҳсулотни бозор учун, яъни уни пул воситасида олди-сотди қилиш учун яратилишини тушуниш керак. Товар ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши тасодифий ҳол эмас, балки қонуний заруриятдир. Товар ишлаб чиқариш объектив тарзда икки асосга таянади, яъни уни икки зарурият юзага чиқаради:

1. Меҳнатни тақсимоти – бунда меҳнат турлари ихтисослашади, илгари бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, кейинчалик маҳсулотнинг айрим турини ишлаб чиқаришга мослашади. Шундай шароитда эҳтиёжни қондириш учун ўз маҳсулотини айирбошлаш зарур бўлади. Айирбошлаш учун эса маҳсулот бозорга олиб чиқилади ва сотилади.

2. Ишлаб чиқарувчиларнинг бир-биридан алохидалашуви ва мустақил фаолият юритиши. Бунда маҳсулот ишлаб чиқарувчи мулкдор бўлиши зарур. Маҳсулотни ўз билганича тасарруф этиш унга эркин айирбошлаш ҳуқуқини беради, чунки ўзганинг маҳсулотини айирбошлаш мумкин эмас.

Тарихдан ишалб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик шаклига асосланган товар ишлаб чиқариш хўжалигининг 3 хил кўриниши мавжуд:

а) оддий товар хўжалиги, бунда мулк эгаси, (ҳунарманд, деҳқон) товар ишлаб чиқаришда ўз меҳнатига асосланган бўлиб, оддий меҳнат курулларидан фойдаланилади;

б) ёлланма меҳнатга асосланган товар хўжалиги; бунда ишлаб чиқаришга нисбатан мураккаб бўлган техникалар қўлланилади ва одамнинг иш кучи сотилади.;

в) аралаш ёки умумий мулкка асосланган товар ишлаб чиқарилиши; иқтисодиётга товар ишлаб чиқарувчи бўлиб монополистик бирлашмалар, давлат корхоналари, майда хусусий корхоналар, майда ишлаб чиқарувчилар майдонга чиқади.

Демак, товар инсон меҳнати натижасида бозорда айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот. Товар моддий шаклдаги маҳсулот бўлиши шарт эмас, хизматлар ҳам товар шаклига киради, яъни у инсоннинг маънавий, жисмоний ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиради.

Товар икки хоссага эга:

а) истеъмол қийматига;

б) қийматга.

Товарнинг истеъмол қиймати унинг бирор бир эҳтиёжни қондира олишидир. Нарсанинг фойдалилиги уни истеъмол қийматига айтантиради ва ундан фойдаланишда

намоён бўлади. Товарнинг истеъмол қийматлари ҳар қандай жамият бойлигининг моддий мазмунини ташкил этади.

Товар ҳар доим меҳнат маҳсулидир; аммо товар бўлиши учун бозорда айирбошланиши зарур, яъни алмашув қийматиға эға бўлиши керак. Товар қиймати товарда мужассамлашган ижтимоий меҳнатдир. Товарлар қиймати товарлар айирбошланишида ифода этилади, товар қиймати нархининг объектив асоси ҳисобланади. қиймат миқдори айрим ишлаб чиқаришнинг индивидуал меҳнат билан эмас, балки ижтимоий зарурий меҳнат сарфи, яъни товарнинг аксарият қисмини яратишға кетган, яъни ўртача меҳнат малакаси, меҳнат шиддати ва техника даражаси шароитида сарфланган ва эҳтиёжининг қондирилганлиги учун жамият томонидан эътироф қилинган меҳнат белгилайди.

Товарнинг истеъмол қиймати жамият аъзоларининг маълум бир истеъмол талабларини қондиради. Лекин истеъмол талабларини қондирадиган ҳамма нарсалар ҳам ишлаб чиқариш маҳсулотлари (табиий бойликлар, ер, турли ҳайвонлар, балиқлар, сув, ўрмон ва ҳоказолар) товар бўлмайди. Уларни товар бўлиши маълум бир меҳнат сарфи натижасидагина ифодаланади. Ҳамма меҳнат маҳсулотлари ва табиий маҳсулотлар фойдали ва чегаравий фойдалилик хусусиятларига эға, фойдали хусусият бу объектив хусусият бўлиб ҳар бир истеъмол товарида ифодаланади.

Аммо бу маҳсулотларни фойдали хусусиятлари ўзининг маълум чегарасига эға. Чунки маҳсулотни истеъмол қилиш миқдорини ўсиб бориши билан унинг фойдалилик даражаси камайиб боради. Яъни истеъмолчи учун маълум ҳажмдан сўнг истеъмол қилмаслиги мумкин. Бу «чегаравий нафлилик назарияси»ни пасайиш қонунига асосланади. Бу қонунни биринчи бўлиб, немис иқтисодчиси Г.Госсен кашф этган. Шунинг учун уни Г.Госсен қонуни деб ҳам юритилади. Ҳозирги даврда товарларни қиймат асосида эмас, балки истеъмол қиймати асосида алмашиш керак деган фикр илгари сурилмоқда. Бу назария «чегаравий нафлилик назарияси» деб аталади. Бу назария асосчилари К.Менгер, Б.Бем-Баверклардир.

Агарда товарнинг қиймати унга сарфланган ижтимоий меҳнат билан ўлчанса, бу меҳнатнинг миқдори ва сифати давомийлиги қандай аниқланади?

Карл Маркс меҳнатни оддий ва мураккаб меҳнатға ажратган. Оддий меҳнатларнинг йиғиндисини, мураккаб меҳнатға тенглаштирган. Аммо бу оддий меҳнат миқдори ва коэффициентини қандай аниқланади? Бунини у кўрсатиб бераолмаган. Меҳнатнинг қиймат назариясига биноан унинг сарфи бозорда аниқланади. Лекин нафлилик чегараси назарияси намоёндаларининг фикриға биноан

бозордаги маҳсулотларни харидорлар унга қанча меҳнат сарфланганлигига қараб эмас, балки унинг нафлилигига қараб харид қиладилар деб ҳисоблайдилар.

Товар истеъмол қиймати ва қийматнинг бирлигидан иборат, аммо бу бирлик зиддиятликидир. Бир вақтнинг ўзида икки ёқлама шаклга, яъни ашёвий ва қиймат шаклига эга. Товар ишлаб чиқарувчилар пулда қиймат сифатида, сотиб олувчилар кўлидалигига эса истеъмол қиймати сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам товар сотилмаси қиймат сифатида ҳам, истеъмол қиймати сифатида ҳам тан олинган бўлади. Ушбу зиддият товарларнинг кераклигича сифатли ва арзрн ишлаб чиқарилиши орқали ечилади.

Товарнинг икки хиссаси бирлигига сабаб, унда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама характерга эга эканлигидадир. Ҳар бир алоҳида олинган товарда нафли меҳнат мужассамлашгандир. Масалан: костюмда- йигирувчилар, тўқувчилар, тикувчилар, нонда – новвой, тракторчи, комбайнчи ва бошқалар. Агар ҳар бир аниқ истеъмол қийматида, масалан: костюмда маълум нафли аниқ меҳнат гавдаланса, унинг қийматида иш кучи сарфи сифатида умуман сарф қилинган инсон меҳнати гавдаланади.

Аниқ меҳнат турлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан: тикувчининг меҳнати новвойнинг меҳнатидан фарқланади, чунки биринчиси костюм яратади, иккинчиси эса нон, инсон меҳнатнинг умуман сарфланиши нуктаи назаридан, яъни инсонни жисмоний маънавий нуктаи назаридан тикувчи ва новвой меҳнати бир хилдир, яъни у абстракт меҳнатдир.

Қиймат қонуни

Жамият аъзоларининг истеъмол талабларини ва ижтимоий ишлаб чиқариш зарур бўлган ишлаб чиқариш истеъмолини қондирадиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар маълум бир қийматга эга бўлади. Уларнинг қиймати меҳнат билан ифодаланади.

Меҳнат сарфлари жонли ва буюмлашган меҳнатга бўлинади. Жонли меҳнат инсон меҳнати ва унинг тадбиркорлик моҳирлигидир. Инсон қанчалик ишлаб чиқаришни моҳирлик билан олиб борса, у ишлаб чиқараётган маҳсулот – товар шунчалик кам ҳаражатли бўлади. Ишчи кучининг қиймати ишчининг ва унинг оила аъзоларининг тирикчилик неъматларининг йиғиндисидан иборат бўлади.

Ишчи кучи махсус товар, унинг меҳнат қилиш қобилиятларини ундан ажратиб олиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ишчи кучи товар ҳисобланади. Ишчининг қиймати унинг меҳнат қилиш қобилиятига, меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Бу омилларни ўсиши ишчи кучи қийматини пасайиб боришига олиб келади, чунки унга талаб пасаяди.

Ишчи кучи қийматига ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, унинг маданияти, табиий иқлим шароитлари, иш кучининг билим олиш даражалари, каспий маҳоратлари ишчи кучини суғурта қилиш даражалари ҳам таъсир этади.

Буюмлашган меҳнат ишлаб чиқариш қуролларида ва хом ашёларда ифодаланади. Албатта, уларнинг қиймати қанчалик арзон бўлса ёки меҳнат унумдорлиги юқори бўлса, буюмлашган меҳнат сарфи шунчалик кам бўлиши ва товар қиймати арзон бўлиши мумкин. Демак, товар қиймати ўлчови мезони меҳнат экан.

Қиймат – бу товарда мужассамлашган ижтимоий меҳнат сарфидир. Товар ишлаб чиқаришда сарф этилган меҳнат зарурий меҳнатга ва қўшимча меҳнатга бўлинади. Сабаби ишчининг иш вақти ҳам зарурий ва қўшимча иш вақтига бўлинади. Зарурий иш вақтида инсон ўз меҳнати билан ўзининг қийматини, яъни зарурий меҳнатига тенг бўлган қийматни яратади. Бу қиймат иш кучи қийматини ифода этади.

Қўшимча иш вақтида эса қўшимча меҳнат сарфи билан қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу маҳсулот қўшимча қиймат, соф фойда тариқасида иш берувчи томонидан ўзлаштирилади. Аммо товар қиймати якка тартибда сарф қилинган меҳнат миқдори билан эмас, балки бир турдаги товарларнинг миқдорини ишлаб чиқариш учун сарф этилган ижтимоий зарурий меҳнат билан ўлчанади.

Ижтимоий зарурий меҳнат билан товар қийматининг белгиланиши ишлаб чиқариш жараёнининг ўсишига, маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ижтимоий зарурий меҳнат ижтимоий зарурий иш вақти билан ўлчанади.

Лекин ҳар бир ишлаб чиқарувчининг маълум бир товар миқдорини ишлаб чиқаришга сарф этган меҳнати якка тартибдаги сарф этилган зарурий иш вақтини ташкил этади. Фақатгина ижтимоий зарурий иш вақти товар қийматини белгилайди. Ижтимоий зарурий иш вақти жамият эҳтиёжини қондириш учун керак бўлган вақтдир. Шу сабабли бу вақтни англатувчи қийматини бозор тан олади.

Ижтимоий зарурий иш вақти – бу товарлар аксарият қисмини яратишга сарфланган вақт бўлиб: ўртача техника даражаси; ўртача меҳнат малакаси ва маҳорати; ўртача меҳнат шиддати (интенсивлиги) шароитидаги сарфни билдиради.

Қиймат миқдори меҳнат сарфининг кўпайиши ёки камайишига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигига тескари муносибдир. Унумдорлик ошса, қиймат камаяди ва аксинча. Чунки унумдорлик ошса, вақт бирлигида яратилган товарлар кўпаяди, бинобарин, ҳар бир товар камроқ сарфланган ҳолда ишлаб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлигидан фарқлироқ меҳнат шиддати (интенсивлиги)нинг ортиши қийматни ҳам оширади, яъни унга нисбатан тўғри муносибликда ўзгаради.

Агар меҳнат унумдорлиги вақт бирлигида яратилган маҳсулот миқдорини билдирса, меҳнат интенсивлиги вақт бирлигида қанча меҳнат сарф бўлганини билдиради. Шу сабабдан меҳнат сарфи ҳам камаяди.

Қиймат қонуни — товар ишлаб чиқариш шароитида товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида алоқаларни, ижтимоий меҳнатни тақсимлаш ва рағбатлантиришни тартибга солувчи объектив иқтисодий қонундир. Унга биноан ишлаб чиқариш ва айирбошлаш, уларнинг қиймати асосида амалга оширилади. Бу қиймат ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан ўлчанади. Қиймат қонуни бозор иқтисодиётига хос бўлган асосий иқтисодий қонунлардан биридир.